

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Тожибоева Наргиза Жумабоевна

ТДИУ СФ “Тиллар” кафедраси ўқитувчиси

Тел рақам : 90 470 79 29

Аннотация: Ушбу мақолада таълим, фан ҳақида маълумотлар келтирилиб, уларнинг бевосита иқтисодиёт соҳаси билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Мақолада иқтисодиёт соҳасидаги муҳим ўзгаришлар, таълимда бевосита ривожланишда иқтисодиёт соҳасининг муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр юритилган.

Мақолада тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва инсон манфаатлариб ишлаб чиқаришда инсоннинг камол топиши, ақлий салоҳияти, шунингдек, ижтимоий муносабатларда инсоннинг фаоллиги келтириб ўтилган.

Аннотация: В этой представлена информации об обраовании и науке, уделяя особое внимание их аспектам, непосредственно связанным с областью экономики. В статье также упоминаются “Узбекская модел” развития и интересы человека, развития и интересы человека в производстве, интеллектуальный потенциал, деятельность человека в общественных отношениях.

Annotation: The article provides information on education and science? Focusing on their aspects directly releted to the field of economics. The article also discusses the “Uzbek model” of development and human interests, human development in production, intellectual potential, human activity in social relations.

Демократик давлат куришнинг асосий шартларидан бири ҳуқуқий маданиятли, сиёсий онги ривожланган фуқароларни тарбиялашдир.

Таълим-билим бериш малака ва кўникмалар ҳосил қилиш ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида маълумот олинади ва тарбия амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 2020

йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги Қонунида “Таълим соҳасидаги асосий принциплар”, “Таълим олиш ҳуқуқи”, шунингдек, “Таълим соҳасидаги давлат назорати”, “Педагог ходимларнинг мажбуриятлари”, “Таълим бериш тили” кабилар тўғрисида таъкидланиб, ушбу қонуннинг “Таълим тизими турлари ва шакллари” деб номланган 2-бобининг 15-моддасида “Таълим олиш шакллари” (масофавий таълим, дуал таълим, оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш, анклюзив таълим, экстернат таълим ҳақидагилар айни таълим олиш шакллари юзасидан кераклича маълумотга эга бўлишимиз ва айнан моҳиятини англаб олишимиз мумкин.

Таълим бугунги жамиятимизда, барча учун бирдек зарур ва эртанги жамиятимизнинг фаровон, мақсадлар йўлида оғишмай боришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус чинакамига ёшларимизни, ўқувчи талабаларимиз ҳамда иқтидорли ёшларимизнинг келгусида касб сирларини эгаллашларида юксак маънавиятли кишилар бўлиб етишишларида қўл келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”даги Фармонида “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган” .[1]

Иқтисодиёт соҳаси таълимни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт инсон фаолиятининг асосий жиҳати, жамият ҳаётининг пойдеворидир. Иқтисодиёт –турли туман иқтисодий фаолиятларни, ишлаб чиқариш нинг муайян усулини ҳамда инфратузилмавий муассасаларини яхлит қилиб бирлаштирувчи иқтисодий тизим. Иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг бир қисми бўлиб, унинг бевосита таъсири остида бўлади. [2]

Инсон ижтимоий муносабатларнинг ҳаммасини иқтисодий ва сиёсий, миллий ва оилавий, ғоявий ва руҳий муносабатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу хилма-хил ижтимоий муносабатларсиз инсонни тушуниш мушкул. Инсон тирик мавжудот сифатида табиатга, атроф – муҳитга ўз таъсирини ўтказа олади. Шунингдек, инсон ишлаб чиқаришда ҳам борингки, ижтимоий муносабатларда ҳам ўз дунёқараши, маънавияти, руҳий оламини намоён этади.

Мамлакатимиз мустақиликка эришгандан сўнг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ўзгаришлар рўй берди. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” инсон ва унинг манфаатини биринчи ўринга қўйди.

Инсон энг аввало ўзининг ақлий салоҳияти, юксак маънавити билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Иқтисодиётни барқарорлаштиришда, ишлаб чиқаришда инсоннинг меҳнат қилиши ва камол топиши учун зарур бўлган омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ПФ -4947-сон “Ҳаракатлар стратегияси” Фармони

2. Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлиги академия

Ш.Р.Қобилов “Иқтисодиёт назарияси” Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий таълим муассасалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. Тошкент -2013.